




БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

БОБУР ЛИРИКАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ
АСОСИДА ЎРГАНИШ

Бажарди: IV курс талабаси - Сафарова Олима

2012 йил

**БОБУР ЛИРИКАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
ЎРГАНИШ.**

Кириш

I Боб.

**ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МОҲИАТИ, МАЗМУНИ ВА
АҲАМИЯТИ**

1.1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти.

1.2. Она тили ва адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологиянинг аҳамияти.

II Боб

**ЗАҲРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШЕЪРИЯТИНИ ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
УСУЛЛАРИ.**

2.1. Шоир ижодини ноанънавий усулларда ўрганиш

2.2. Бобур лирикасини ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.

КИРИШ

Юртимиз мустақилликка эришгач таълим – тарбия тизимида асл миллий кадриятларга таяниш табора қарор топиб бормоқда. Кўнгил тарбиясига ва инсон маънавиятини шакллантиришга бирламчи восита сифатида ёндашиш устувор бўлиб бормоқда.

Инсонлардаги онг ва таффакур ўсиб-ўзгаришини ўз навбатида миллий педагогиканинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмунини ҳам тубдан янгилашни тақозо этди.

Ўрта махсус маълим тизими-лицей ва коллежлар ўқув режаларида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар бир ўқув фанини нимага, қанча ва қандай ўргатиш масаласи кўрсатиб берилган таълим конспекциялари ишлаб чиқилди. Улар асосида ўқитиш жараёнининг муайян босқичида ўқувчига етказилиши керак бўлган билимлар миқдори белгилаб қўйилган давлат таълим стандартлари янгиланди. Уларда ўқувчилар томонидан эгалланиши

лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга янги педагогик таффакурга мос талқин берилди.

Давр талаби билан бугунги кунда узлуксиз таълим тизимига замонавий педагогик технологиялар дадил кириб келмоқда. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўзбек адабиётини кенгроқ ўрганиш имконини берадиган замонавий педагогик технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бугина эмас, электрон вариантдаги бадиий асарлар ҳам китобхонларга ҳавола қилинмоқда. Шунининг оқибатида, биз ўз малакавий билими ишимизда Захриддин Муҳаммад Бобур лирик меросини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқишнинг ўзига хос усулларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида “Ўқишнинг илғор шакллари ва янги технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш”¹ асосий масалалардан бири эканлиги таъкидланади. Шунининг оқибатида, малакавий билим ишимиз Бобур лирик меросини ўрганишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усулларини ўргатишга ҳаракат қилдик. Бундай мақсадга эришиш учун вазифалар қуйидагича белгилаб олинди:

- Педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти
- Педагогик технологиянинг мазмуни ва уларни амалиётга татбиқ этиш
- Замонавий педагогик технологиянинг аҳамияти
- Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишдаги қулайликларни таҳлил қилиш.
- Бобур лирик мероси таҳлиliga оид ноанъанавий дарсларда
- Бобур лирик меросини ўқишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.

¹ “Таълим тўғрисида” ги қонун // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққётининг пойдевори Т., 1997.27-бет.

I Боб.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.

Технология грекча сўз бўлиб, технос- “санъат, маҳорат”, логос – “таълимот” деган маъноларни билдиради. Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасига ҳар хил таъриф берилмоқда ва турлича талқин қилинмоқда.

“Педагогик технологияга ҳозиргача 300 дан ортиқ таърифлар берилгани маълум. Шуларнинг ичида энг маъқули деб ЮНЕСКО таърифи эканлиги аниқланган. Чунки берилган таърифда диалектик қонуниятлар мавжуд бўлиб, у қуйидагича: педагогик технология – бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.

Ушбу таърифда бутун - бўлак, шакл-мазмун, алоқадорлик қонунлари мавжуд бўлиб, борлиқнинг система эканлиги ҳам кўрсатилади”¹.

Педагогик технология – ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи бўлимлар ва тизимлар мажмуаси. У таълимни маълум тизимга келтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай таълим турларида эса, юксак

¹ Юсупова Ш. Педагогик технологиянинг моҳияти. Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент. 2006, 1-қисм. 69-бет

ахлоқий фазилатларга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсларни камол топтиришга ёрдам берувчи педагогик технологиялар қўлланади.

Ҳозирги кунда фидойи ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари орқали бир қанча замонавий таълим усуллари ишлаб чиқилди. Бундай усуллардан самарали фойдаланиш учун ўқитувчи ўз фанини пухта билиши, илғор замонавий ўқитиш усулларидан яхши хабардор бўлиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари кешф эта олиши лозим. Шундагина ўқитиш сифати ҳам, ўқувчиларнинг фани ўзлаштириш самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Лекин дарсларда шаблонга ўрин бўлмаслиги, янгиликларни, янги усулларни тинмай излаш ва жорий этиш лозим. Бугунги кунда замонавий машғулотларни ноанъанавий дарсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин А.А.Мурашов айтганидек, "...ҳар қандай янгиликка ўқувчилар тез орада кўникиб кетадилар, шунинг учун ахборот ва тарбия бериш вазифаси дастурда белгиланган қатъий чегарага сиғадиган, равшанки, илғор ўқитувчилар қуролланиб бўлган янги усулларни истисно этмаган ҳолда ушбу оригиналликни одатдаги дарслар цикли якуни сифатида тақдим этиш керак"².

"Адабий таълимни ташкил этиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари томонидан адабиёт фани асосларини ўзлаштиришда самарадорликка эришиш, шунингдек, уларда бадиий тафаккурни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг муҳим ўрин тутиши амалиётда ўз исботини топмоқда. Зеро, педагогик технологиялар ўқувчиларни муайян бадиий асарда илғари сурилган ғоялар моҳияти бўйича мустақил фикр юритиш, сюжетлар тизими асосида муаллиф томонидан таклиф этилаётган ечимнинг мазмунини таҳлил этиш, бадиий талқинда ифода этилган ижтимоий муносабатлар жараёнида билвосита иштирок этиш асосида мустақил ҳаётга тайёрланиш имконини беради"¹

Ҳар қандай асарнинг бадиий таҳлили энг замонавий технология ва усулларга таянса, шунингдек, педагогик жараёндаги барча қатнашчиларнинг тўла фаоллиги таъминлансагина тегишли самара беради.

Шу ўринда ўқувчиларнинг пассив тингловчи даражасида қолиб кетмаслиги, балки уларнинг фаол, ўз нуқтайи назари ва шахсий фикрига эга бўлган китобхон даражасига кўтариш заруриятини таъкидлаш жоиз. Бу биринчи навбатда ўқитувчининг китобхонлик маданияти билан боғлиқ. Китобхон ўқувчиларни тарбиялаш ва яна ўқитувчи шахси, унинг шахсий тажрибаси, уқуви, ижодкорлигига чамбарчас алоқадордир. Демак ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини реал ҳаёт, таълим жараёнининг ўзи ҳам тақозо этади.

1.2. Она тили ва адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологиянинг аҳамияти.

² Мурашов А.А. Из тонких линий идеала. - М., Просвещение, 1990. –11 с.

¹ Эгамбердиева Ф. Чўлпон ижодини янги педагогик технология асосида ўрганиш. "Тил ва адабиёт таълими" журнали. 2005, 3-сон, 15- бет.

Мактаб ўқитувчиси, айниқса, ўзбек тили ва адабиёти муаллими ўзининг келажак авлодни тарбиялашда масъул эканини ёдидан чиқармаслиги керак... Ўқиш ва ўқитишнинг энг илғор шакллари ва мазмуни, бизнингча, энг аввало адабиёт дарсларида амалга ошмоғи лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи дарсда ҳар бир мавзунинг янги ҳис этиш қувватига эга бўлмоғи, ўқувчисига замонавий талаблар даражасида тушунча бериш лозим. Адабиёт дарсларида муаллим машғулотдан машғулотга миллий мафкура асосида таълим ва тарбия беришни такомиллаштириб бериш лозим²”

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш”¹ асосий масалалардан бири эканлиги таъкидланади.

Ўқувчи (талаба)ларга пухта билим беришда ҳозирги кун янгиликларидан хабардор бўлиш, замонавий педагогик технологияларни дарсда ўз ўрнида қўллаш олиш ўқитувчининг муҳим вазифаларидан баридир. Ўқитувчи компьютерда маълумотлар (билимлар) омборидан фойдаланиш тартибини билиши, бунда: махсус компьютер дарси ажратиш, компьютердаги Силимкар омборидан Ёрснинг маълум бир қисмида алоҳида босқич сифатида фойдаланиш, ўқувчи (талаба)ларнинг гуруҳли ва ялпи мустақил ишларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ўқишни уюштириш каби ишларни амалга ошириши мумкин.

“Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарсликларини мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларнинг нисбатан енгил ва мустақам шаклланишига яхши шароит яратади”²

“Ҳозирда, асосан олий ўқув юртиларида дарслик ва маъруза матнларининг электрон вариантлари тузилган. Фикримизча, нафақат олий ўқув юртилари, балки ўрта мактаб дарслик ва қўлланмаларининг электрон нусхаларини тузиш, шунингдек, интернетда ўқитиш методикаларига бағишланган махсус сайт яратиш, мазкур дарсликларни on-line кутубхонасига қўйиш керак... Агар интернетда ўқувчилар учун on-line форум ва конференциялар ташкил қилинса, уларнинг адабиёт борасидаги билимлари ошиши ва мустақамланиши, ўқувчи ва талабалар мустақил мушоада юритиши ҳамда ўзаро фикр алмашишларига имконият яратилади”¹.

² Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура. Тил ва адабиёт таълими. 1998, 2-сон, 13-бет.

¹ “Таълим тўғрисида” ги қонун // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., 1997.27-бет.

² Бегимкулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар. “Педагогик таълим” журна. 2005, 6-сон, 15-17-бетлар.

¹ Усмонова З. Адабиёт ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари. “Тил ва адабиёт таълими” журна. 2005, 3-сон, 20-22- бетлар.

Давр талаби билан бугунги кунда узлуксиз таълим тизимига замонавий ахборот технологиялари дадил кириб келмоқда. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўзбек адабиётини кенгрок ўрганиш имконини берадиган ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бугина эмас, электрон вариантдаги бадиий асарлар ҳам китобхонларга ҳавола қилинмоқда.

Педагогика фанлари номзоди С.Адилованинг “Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологияси воситасида ташкил этиш” (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида)” мавзусидаги номзодлик иши компьютер технологиясини иккинчи тил таълими жараёнига олиб киришнинг назарий асослари кенг ва атрофлича баён этилган қимматли тадқиқот саналади.

Адабиёт дарсларида таълимнинг техник воситаларидан, компьютер технологиясидан фойдаланиш масалалари Ҳ.Эрназаров, Ф.Эгамбердиева ва бошқа бир қатор методист олимларнинг диққат марказида бўлган.

Ахборот манбалари ўқувчиларга қуйидаги маълумотларни бера олади: янги нашрдан чиққан бадиий асарлар; ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг асарлари ва уларга доир аннотациялар; адабий давр ҳақида қисқа шарҳ, шу даврда яшаб ижод қилган ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги маълумотлар; мумтоз асарни ўқиб тушуна олиши учун луғат; асарга доир савол ва топшириқлар; асар ёки ундан олинган парча юзасидан тестлар; асарнинг тил хусусиятларини англашга доир вазифалар.

Адабиёт ўқитувчисининг мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи кутубхоначиси билан ҳамкорлиги ахборот технологияларининг амал қилишида муҳим ўрин тутди.

Ўқувчилар турли хил саналар, байрамларга тайёргарлик кўрар эканлар, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шеърӣ ва насрий асарлардан парчалар қидирадилар. Компьютер хотирасида хилма-хил саналар, байрамларга мос танланган асарлар бўлса, ўқувчилар уларни ўқиб ёки кўздан кечириб, керагини танлайдилар ва кўчириб оладилар (принтердан чиқартирадилар). Бу ерда шеърӣ ва насрий асар матнига доир мукамал луғат тавсия қилиниши ҳам фойдадан холи эмас.

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш ва нутқ фаолиятини ўстириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида педагогик технологияларнинг амалий аҳамияти катта.

II Боб

ЗАҲРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШЕЪРИЯТИНИ ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ.

2.1. ШОИР ИЖОДИНИ НОАНЪНАВИЙ УСУЛЛАРДА ЎРГАНИШ

Адабиёт-инсон маънавияти асосларини ташкил этувчи рухий кадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган санъат тури. Бошқа ўқув машғулотларида билим бериш устувор бўлса, адабиётда боланинг кўнгли билан, туйғулари билан ишланади. Чунки чинаккам инсонликнинг асосий белгиси бошқа одамларнинг ҳолатини тушуниш, уларга туйғудош бўла билишдан иборатдир. Шу манънода бирор ўқув предмети ёки бирор санъат тури адабиётнинг ўрнини боса олмайди. Бадиий адабиёт ўқувчиларнинг ҳиссиётларини шакллантириб, туйғуларини нозиклаштириб, кечинмаларини теранлаштиради.

Адабиёт дарсларида ўқилган асар бўйича ўқувчиларга тайёр хулосалар берилмаслиги керак. Ўрганилаётган бадиий асарнинг ҳар бир тарбияланувчи ўз қалбидан, тафаккурдан ўзича таъсирланиш, ўзи истаган хулосага келиши лозим. Бундай ҳолатни юзага келтириш учун ўқитувчи ижодкор бўлиши, адабиёт дарслари эса бадиий матннинг жозоба қудратини оширишга қаратилган бўлиши ва ўқувчиларни бадиий ҳодисадан завқлана билишга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий асар ўқувчиларнинг кўнгил мулкига айланиши, уларнинг ҳиссиётларига таъсир этиши учун ўқитувчи бадиий асар билан тарбияланувчилар орасида воситачилик қилади. Адабиётдан дарс бераётган муаллимда қуйидаги сифатлар бўлиши лозим:

- ижорчилик маҳоратига эга бўлиш;
- бадиий асарни тушиниш;
- бадиий қаҳрамон ҳолатига туша билиш;
- бадиий асар жозибаси, сеҳрини ҳис қилиш;
- кўнгил кишиси бўлиш;
- ўқувчини ўқитиш эмас, ўқимаса туролмайдиган ҳолатга сола билиш;
- ижодий имкониятларни номоён қила билиш;
- адабий таълимдаги илғор педагогик технологияларни тез илғаш;

-юқоридаги сифатларни ўқувчиларга юқтира олиш маҳоратига эга бўлиш.


Ҳозирги кунда ўқув машғулотида мунозара дарсларини ташкил этиш, яъни ўқувчи ўқитувчи билан баробар дарсда фаол қатнашишида савол-топшириқларнинг аҳамияти каттадир. Яъни, асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини очиш орқали ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш керак.

Савол-топшириқларни мазмун моҳиятига кўра қуйдагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

- асар қаҳрамонлари характерини аниқлашга оид савол-топшириқлар;
- асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганишга оид савол-топшириқлар;
- ўқувчилар ижодий тафаккурини, нутқини ўстиришга қаратилган савол-топшириқлар;

Кейинги пайтда таълим тизимларига илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион усуллари шиддат билан кириб келмоқда. Лекин улардан ўрни билан фойдалангандагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Тажрибадан маълум бўладики, ҳеч қандай технология жонли, ҳиссиётларга тўла инсоний муносабатлар, педагогик муомала ҳамда маҳоратнинг ўрнини боса олмайди. Дарс давомида турли усуллардан ўринли-ўринсиз фойдаланиш адабий таълимдан кутилган натижани йўққа чиқариши мумкин.

Таълим жараёнида янги педагогик технологиянинг “Кластер”, “Инсерт”, “Синквейн”, муаммоли вазият яратиш, сахна дарслари, “БББ” ва ҳақозо интерфаол усуллардан ўрни билан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, “Кластер” усулидан янги мавзунини бошлашдан олдин ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш учун ёки ўтилган мавзунини мусатаҳкамлаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда ушбу усулдан фойдаланамиз. Ўқувчиларнинг фикрлари аниқланаётган, изоҳланаётган калит сўз атрофида ёзилади. Изоҳланиши лозим бўлган сўз – “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”.



Кейин ҳар бир сўз ҳамкорликда изоҳланади. Юқоридаги сўзлардан “табиатшунос” сўзини келтирамиз.

Бобур жаҳонгашта олим бўлган. У Фарғона водийсини, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган шаҳар ва қишлоқларни, воҳа ва тоғларни кезиб, тақдир тақозоси билан Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон ўлкаларида бўлиб, қимматли илмий маълумотлар ёзиб қолдирган. Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг уни Мовароуннахрга таққослайди: “ғарб мамлакате воқий бўлубтур, бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борича ўзгача воқий бўлубтур”. Ўз ватанини таърифлаганда унинг диққат эътиборидан ер ости хазиналари ҳам четда қолмади.

У Фарғона водийси чор атрофидаги тоғларда, айниқса, Еттикентда феруза ва темир конлари бор деб ёзган. Ҳозир бизга маълумки, водийнинг шимолий Ғарбига жойлашган темир конлари мавжуд. Буларга Чокадамбулоқ, Чимён конларини мисол қилишимиз мумкин. Масалан, у ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилиб хурмони шундай таърифлайди: “Яна хурмодир. Агарчи хурмо Ҳиндистон маҳсуси эмас. Чун ул вилоятларда йўқ эди, мазкур бўлди... шохлари дарахт калласида бир ерда – ўқ бўлур, танаси ноҳамвор ва бадрангдур. Меваси узумнинг хўшасидек бўлур, хўшасидин хили улуғроқ бўлур...” Шу тариқа бошқа сўзлар ҳам намунадагидек изоҳланади.

2.2. БОБУР ЛИРИКАСИНИ ЎТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ.

Педагогик технологиялар тадқиқотчиларнинг фикрича – бу ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи – талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижада ҳамкорликка эришиш учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи – талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишласа, излансалар, таҳлил эта олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи – талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ушбу фикримизни Бобур лирикасида кўришимиз мумкин:
(Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Ғурбатла ул ой... “ ғазали таҳлили)
Дарсинг мақсади:

1. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда назмий гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш туйғуларини шакллантириш.
 2. Таълимий мақсад:
 - а) ғазални шарҳлаш, мазмунинг санъаткорлик қирраларини очиш;
 - б) ўқувчиларни таҳлилга ўргатиш, уларнинг ижодий тафаккурларини ўстириш, ижодий имкониятларини номоеън қила билишга ўргатиш.
- Дарсинг жиҳозланиши:

Бобур портрети, асарларидан намуналар, жадваллар, расмлар, аудио ва видео тасмалар.

Техник воситалар: магнитофон, телевизор.

Дарс усуллари:

1. “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, “Аниқлаш”, “Тадқиқот”, “Ижод” Амалга ошириладиган таҳлилий босқичлар:

****Матнга илк ёндашув**

Мазмунни идрок қилиш

Шаклни идрок қилиш


Шеърни тушунтириш

Ўқитувчи:

“Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан”. Дарҳақиқат, шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, дунё – сир, ҳаёт – сир. Қўлига қалам ушлаган зот борки, ана шу “англаб бўлмас сир”нинг тагига етишга уринади. Лекин олам сир-синоатларини Бобур Мирзочалик излаган шоир кам бўлса керак. Чунки, шеърятнинг ўзи ҳам сир. Мумтоз сўз санъаткорлари сатрларида жо бўлган жилоларни аниқлаш, билиб олиш учун нималарга эътибор бериш лозим? Шоирни қалам тутишга ундаган дард нимадан иборат? Бугунги дарсимизда ана шу саволларга жавоб излаймиз, Бобур ғазалларининг сеҳрли оламига саёҳат қиламиз.

“Ақлий ҳужум” “ғазал нима?”

Ўқувчилар ғазал ҳақидаги фикрларни шу пайтгача ўрганган билимлари асосида билдира бошлайдилар. Билдирилган фикрлар синф тахтасига ёзиб борилади. Нотўғри фикрлар учун ҳам танбеҳ берилмайди, чиройли, асосли фикрлар рағбатлантирилади ва умумийлаштирилади. Ўқитувчи раҳбарлигида “Кластер” усулидан фойдаланиб, ғазалга таъриф берилади:



Ўқувчилар мустақил фикр билдириб, бу усулни давом эттиришлари мумкин.

Ўқитувчи: Ҳар ғазалнинг гўзаллиги, маъроми, таъсирчанлиги, қуввати бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Ғурбатда ул ой” ғазалининг бадиий маҳорати, маҳорат маҳсули эканлиги ҳар қандай китобхонни мафтун этади.

Ғазал аудиотасма орқали эшиттирилади.

“Тадқиқот”

Ўқитувчи топшириғи билан гуруҳларда кичик илмий тадқиқот ўтказадилар ва натижаларни ҳимоя қиладилар.

Саволлар:

1. Ғазалнинг инсонга таъсирини қандай тушунасиш?
2. Ғазалнинг маъно ва ифода бойлигига асосий сабаб нима?
3. Ғазалнинг яратилиш даври, қофия тизими ва унинг асосини нима белгилашини аниқланг.

1-гуруҳ: Шоир сўзларини мисраларга, мисраларни байтларга улайди. Ғазалдаги ҳар бир сўз қалам кучи билан шууримизда таъсир уйғотади, руҳимизда ажиб ҳислар пайдо этади, тафаккуримизни ғоялар сари етаклайди, бойитади.

2-гуруҳ: Ғазалда 54 та сўз ишлатилган. Айримлари бир неча бор қўлланганини қўшиб ҳисобласак, улар сони 63 тага етади. Лекин ғазалда

ифодаланган маъноларни бошқа биров шунча оз сўз билан Бобурчалик баён эта олмаса керак. Шоир даҳоси, маҳорати ғазални шу даражага кўтарган.

1-гуруҳ: Бу ғазал 5 байт, 10 мисрадан иборат. Ғазал а –а, а–б, в –а, г –а, д – а тарзида қофияланган, “қилибтур” радиф бўлиб келган.

2-гуруҳ: Шеърнинг ўйноқи вазни – ражази мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуб мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун - - VV - -VV- -VV - - - - VV - - VV - - VV - -) шаклига эга.

“Англаш”

Ўқитувчи: Ғазал юксак бадиият туфайли шуҳрат топган. “Ғурбатда ул ой” ғазалини қуйидаги қатламлар орқали кўриб чиқамиз:

****Сўз қатлами Маъно қатлами Мурод қатлами**

1. Сўз қатлами. Сўз нуқтаи назаридан шоир бирор ерда ул ой, яъни ёр деганда Ватанни кўзда тутаетганини ошкор билдириб ўтмаган. Ғазал бир қарашда ўз ёридан ажралиб ҳижрон ва ғурбат азобида дард чекаётган ошиқнинг изтиробларини ифодалаётгандек гўё. Сўз жиҳатда ғазал ана шу сўз тизими мантиғига бўйсунди.

2. Маъно қатлами. Маъно жиҳатдан эса ана шу сўз замирида ётган нарсаси тушунилади. Ғазалда ёр тимсоли Ватанни англатиб келиши айни шу маъно қатламини билдиради.

3. Мурод қатлами. Шоирнинг ёрни тасвир марказига олишидан ҳам, бу тимсол асосида Ватанни кўзда тутишдан ҳам кўзлаган мақсади бор. Ҳар қандай адабий асар ҳаётни акс эттиради. Ғазалда сўз қатламидаги ёр ҳам, маъно қатламидаги Ватан ҳам ҳаётни акс эттиришнинг бир йўли – восита экани ойдинлашади. Ана шу 3 қатлам уйғунлиги биргина ғазалда ёр ишқини, ҳижрон азобларини, Ватан дардини тараннум этиш имконини беради.

ТАҲЛИЛ

Ғазал гуруҳлар ўртасида байтма-байт таҳлил қилинади.

1 – гуруҳ:

Ғурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур,

Ҳижрон била ғурбат менга таъсир қилибтур.

Ёр (ул ойдан) айрилиб (“ҳажр”) яшамоқ азоби, (“ғурбат”) мени қаритди (“пир қилибтур”), ҳижрон билан ғурбат ўз таъсирини кўрсатди деб бошлайди. Лекин ҳеч қачон унга етиш орзусидан воз кечмайди, аксинча, ҳамиша шу умид билан яшайди.

2-гуруҳ:

Мақдур боринча қилурим саъйи висолинг,

То тенгрина билмонки, не тақдир қилибтур.

Тангри пешонамга нима ёзганини билмайман, лекин қазойи қадар етгунча – ўлгунча унинг билан курашиш (висол) ҳаракатини қиламан, дейди.

1 – гуруҳ:

Тақдир ул ёну бу ён солғучи, йўкса,

Кимга ҳаваси сунбулу тақдир қилибтур.

Шоир жаҳон оввораси бўлиб юришларини тақдирдан кўради. Ўзга ерда қудратли салтанатлар курса ҳам кўнглидаги тугун ёзилмаганини, ҳеч бир нарса Ватан ўрнини боса олмаганини ошкор айтади.

2 – гуруҳ:

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.

Бу ўринда Бобур Мирзо қудратли Ҳинд салтанатини эгаллаб, шавкатли ҳукмдор бўлганлиги билан бу ер Ватани ўрнини боса олмаётганига, ҳатто шон – шуҳрат уни дилгир қилаётганига ишора қилмоқда.

1 – гуруҳ:

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, таъсир қилибтур.

Яъни, Бобур шу қадар сендан йироқда қолиб, узоқда яшаб ўлмади, эй ёр. Ҳолбуки, у сенсиз аллақачон ўлиши керак эди, ўлмади! Сен унинг бу гуноҳини кечир; авф эт!

2 – гуруҳ: Ватан дарди шоирни шу қадар ларзага солади. Дарҳақат, Ватан иштиёқи, ғурбат изтироби Бобурга қадар ҳеч бир шоирда бунчалик ёрқин ва бетакрор ифодаланмаган. Ғазалнинг мақтаъи ҳусни таълил санъати асосига қурилган, яъни шоир ёрдан узр сўраш сабабига чиройли бир далил келтирмоқда

Таҳлилдан сўнг “Юлдузли тунлар” видео филмида ижро этилган кўшиқ видео тасмадан қўйиб берилади.

Ўқитувчи: Азиз ўқувчилар! Бобур ижоди уммон бўлса, дарсимизда бир қатрасининг жилвасидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик.

ИЖОД

Бобур ижодидан илҳом олиб, қуйидаги сўзлардан байт ҳосил қилинг. Сиз кашф этган назм чечаги бизнинг Бобур Мирзога бўлган чуқур эҳтиромимиз ва берган юксак баҳомиз бўлади: **Ҳар, барчаси, Бобур, ибрат, сўзи, бир, ҳикмат айтқон.**

Ўқувчилар сўзларни жойлаштириб қофиялайдилар. Қуйидаги байт юзага келади:

Бобурнинг ҳар бир сўзи ҳикматдурур,
Айтқонларин барчаси ибратурур.

Ўқитувчи: Дарҳақиқат, қуёш каби сўнгмас, олтин каби қораймас, мўъжизакор, нафис, ҳайратомуз гўзал, ранг – баранг ва сеҳрли бадиият Бобурнинг соҳир сатрлари нақадар завқли, илҳомбахш, шавқли ва ибратлидур.

Мавзу: Шеърӣ санъат, маҳорат

Дарсинг мақсади:

1. Тарбиявий – ўқувчиларда гўзалликнинг кучи ва қудратини ҳис этиш туйғусини шакллантириш.
2. Таълимий – ўқувчиларнинг бадиият илми юзасидан олган билимларини синаб кўриш, бадиий тасвир воситалари ҳақида билим бериш.
3. Ривожлантирувчи – ўқувчиларни шеърӣ гўзаллик ва нафосатни ҳис қилишга ўргатиш.

Дарснинг жиҳози: Бобур портрети, Бобур асарлари, мумтоз адабиётга хос кўргазмалар, расмлар, тарқатма топшириқлар, аудио ва видео тасмалар.

Техник восита: магнитофон, видеоманитофон, телевизор.

Дарснинг бориши: Бобур шеърятига ихлоси баланд бўлгани учун ҳар бир ўқувчи сандиқчадаги «тилла тангалар» тарқатилади. Ўқувчилар бир, беш, ўн танганлар соҳиби сифатида уч гуруҳгу бўланадилар ва гуруҳ сардори, гуруҳ номини белгилайдилар.


Масалан, 1-гуруҳ: “Адабиёт”, 2-гуруҳ “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” 3-гуруҳ “Санъат”.

Ўқитувчи: Қадим тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бадиият масаласи ҳамisha шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. Ижодкорларнинг салоҳияти ҳақида сўз борганда унинг нималарни тасвирлагани эмас, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Санъаткор ижодининг асосий қирраларидан бири бадиий асарларда шеърый санъатлардани фойдаланиш маҳоратидир. Бугунги дарсимизда бадиий тимсоллар жилоси билан бирга қўлланган шеърый санъатларнинг ранг – баранглигини, мантиқий асосланиши хусусида фикр юритамиз, баҳслашамиз.

Манитофон орқали садолар янграйди. гуруҳ аъзолари ўз гуруҳларини нима учун шундай атаганларини изоҳлаб берадилар.

Ақлий ҳужум: Қандай шеърый санъат турини биласиз?

Ўқувчиларнинг жавоблари “Кластер” усули дан фойдаланган ҳолда доскага ёзилади.



Ўқитувчи томонидан тайёрланган саволлардан ҳар бир гуруҳ иккитадан олади, ўзаро келишиб жавоб беришади.

Саволлар:

1. Тарсеъ қандай санъат?
2. Талмех санъати нима?
3. Қандай бадиий санъат ташхис деб аталади?
4. Ифрок санъати қандай санъат?
5. Ирсоли масал санъати ҳақида сўзланг?
6. Тазод қандай санъат?

Берилган жавоблар зарурат бўлса ўқитувчи томонидан тўлдирилади ва умумлаштирилади.

Англаш:

Топшириқларнинг амалиёти сифатида гуруҳларга Бобур қаламига мансуб соҳир сатрлардан намуналар берилади. Ўқувчилар берилган байтларда қўлланилган шеърӣ санъат турларини аниқлайдилар, шарҳлаб берадилар:

1. Кўзумдин ёшуниб эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсан.

(муболага)

2. Хати бинафша, хади лола, зулфи райхондур,
Баҳори хуснида юзи ажаб гулистондур
(ташбех)
3. Рафтоир-ю қадига равоним садқа,
Бир боқишига икки жаҳоним садқа.
(тазод)
4. Қондин элга ёйди тифли ашк сирримни менинг,
Чунки мен иул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим.
(ийҳом)
5. Қаду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сиймин тан,
Бири сарву, бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.
(таносуб)
6. Сабру ҳушу ақлу дилимни олибдур найлайин,
Сарв қадди, гул руҳи, райҳон хати, насрин бари.
(лафф ва нашр)

Ўқитувчи: Буюк соҳиби каломлар ўз асарида шеърӣ санъатларни ўрни ва меъёри билан қўллаганлар. Чунки ҳар қайси шеърӣ санъат ғояни бадий ифодалаш, тимсолларни ёрқин гавдалантириш, асарга жозиба, жило ва таъсирчанлик бағишлаш вазифасини бажаради.

Фикрлаш: Гуруҳларнинг ҳар бири қуйидаги мисраларнинг бадий малоҳати ва жозибаси нимада эканлигини мустақил ишлаб ўз фикрларини айтадилар.

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Рафтори – ю қаддига равоним садқа,
Бир боқишига икки жаҳоним садқа.
Оғзи – ю белига буду нобудим сарф,
Кўзи – ю лабига жисму жоним садқа.
2. Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғурбатликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта, киши.
3. Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб мен Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Фикрлар ҳимояси:

1-гуруҳ: Кўриниб турибдики, мавзу муҳаббат ҳақида. Бу ерда “садқа” сўзи радиф бўлиб келмоқда. “Рафтор”-юришш, “равон”нинг маъноси ҳам айнан шундай. Унинг ҳар бир маъноси (“равон” нинг) жонидир, яъни юриш ва қадди – қоматиға жоним фидо бўлсин, дейилмоқда. Иккинчи мисрада эса, “бир”, “икки” сўзлари орасида зидлик бор (тазод). Бунга оз-кўп маъноларни сингдирилган. “Икки жаҳон” – диний тушунчага кўра икки дунё (фоний ва боқий) дунё бор.

“Боқиш” ва “жаҳон” сўзларида ҳам маълум боғланиш топиш мумкин (жаҳонга боқилади).

“Буду нобуд” бор-йўқ дегани. Шоир маъшукани оғзи ва белига бор-йўғини бағишламоқчи, гўзаллиги учун албатта. Тўртинчи мисрадаги кўз – жисм (тана)да жойлашагн, кўз гўзал қоматга тушганда яшайди, лаб (бўса туфайли) ошиққа жон бағишлайди ва ҳақозо. Демак, мисрадаги сўзлар шу қадар танлаб, барча маъно оҳанглари кўзда тутиб ишлатилганки, бу юксак санъаткорликдан нишонадир.

Ўқувчилар топшириқни бажаргунларига қадар видео тасмадан Бобурнинг “Яхшилик” ғазалининг ижроси эшиттирилади.

Баҳру байт

Гуруҳ сардорлари даврага таклиф этилади. Бобур асарларидан ёд олинган байтлар асосида баҳру байт ўтказилади.

Дарс жараёнида фаол иштирок этган ўқувчилар баҳоланади.

Ўқитувчи: Ташаккур. Шоир асарларининг ҳар бир мисраси, ҳар сўзи уларнинг қатига яширинган жозоба, сеҳр ва таъсирчанликдан кўриниб турибдики, Заҳриддин Муҳаммад Бобур бетакрор сўз соҳиби, жуда нозик ва буюк санъаткордир.

Бобур сўз танлаш ва қўллашда ҳам (А.С.Пушкин – 21.197 сўз қўллаган бўлса, Шекспир – 20. 000, Сервантес – 18.000, Алишер Навоий – 26.000) жаҳон миқёсида Навоийдан кейинги ўринда туради, дейишимиз мумкин. Қуруқ баёнчилик, воқеани шунчаки бирин – кетин тасвирлаш санъат эмас. Шеърый санъат маҳорат. Бобурнинг маҳорати, яратган бетакрор асарлари жозибаси ҳайратга солади кишини, шоир ижоди бўстонида сайр этсангиз унинг сеҳри, жозибасидан баҳраманд бўлсангиз, ҳар бирингиз шубҳасиз ҳайратланасиз, мисилсиз руҳий озуқа оласиз. Ва бу туйғу сизни эзгу ишларга йўллайди.

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб бориладиган ислохотлар ўқув жараёнига нисбатан ўзгача мазмун, ўзгача талаб, ўзгача педагогик муносабатларни тақлиф этокда.

Ушбу ишларнинг барчаси юртбошимиз таъкидлаганидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий бурчимиздир.

Бундай ишларни амалга оширишда ислохотлар туфайли эришилган энг илғор усуллардан замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланишимизни тақозо этади.

Биз, ўқитувчилар олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳам ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Демак, педагогик технология ўқитувчи томонидан бошқариладиган таълим-тарбия жараёни экан. Унинг қандай самара бериши ўқитувчининг маҳорати, санъатига боғлиқ. Бизда янги педагогик технологияни қўллаш 1977 йилдан амалиётга жорий қилина бошлади. Янги педагогик технологиянинг мақсади ўқувчиларга самарали билим бериш, уларни Ватанимизга муносиб, баркамол шахс қилиб тарбиялашдан иборат.

Шу мақсадда биз малакавий битирув ишимизда Заҳриддин Муҳаммад Бобур лирик меросини янги педагогик технологиялар асосида ўқувчига етказиш, улар қалбида улугъ шоир ижодига муҳаббат уйғотишга, уларни мустақил фикрлашга ундайдиган усулларни ишлаб чиқишга ҳаракат. Қилдик. Албатта, бу усуллар ўқувчиларнинг (ёки гуруҳлар) қобилияти, фикрлаш доираси ва дунёқарашидан келиб чиқиб танланса, самарадорлик янада ошади.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Таълим тўғрисида” ги қонун // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., 1997.27-бет.

Каримов И.А. “ Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “ Мулоқот ” журнали 1998-йил, 5-сон.

И.А.Каримов. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон. 1999.

2. Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура. Тил ва адабиёт таълими. 1998, 2-сон, 13-16-бетлар.

3. Бегимқулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар. “Педагогик таълим” журнали. 2005, 6-сон,15-17-бетлар.

4. Усмонова З. Адабиёт ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари. “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2005, 3-сон, 20-22- бетлар.

5. Эгамбердиева Ф. Чўлпон ижодини янги педагогик технология асосида ўрганиш. “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2005, 3-сон, 14-17- бетлар.

7. N.N.Azizxo'jayeva. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent, 2006, 159-бет.
8. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонова. Педагогик технология асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 2004, 101-бет.
9. Р.Абдулахатова. Янги педагогик технология ва унинг тамойиллари. Филологик таълим масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2007, 39-41-бетлар.
10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент. «Янги аср авлоди» 2006 й.
11. Р.Ниёзметова. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Тошкент, Фан, 2007.
12. А.Зуннунов, Н.Хотамов, Ж.Эсонов, А.Ибрагимов. “Адабиёт ўқитиш методикаси” –Т, “Ўқитувчи” 1992 йил.
17. Халилов Ф. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш. Тил ва адабиёт таълими, 1998, 2-сон. 28-34-бетлар.
- 18.Ниязметова, У.Мисирова.Саёҳат дарсларида ижодий топшириқлар. Маърифат газетаси. 2004 йил 15 май.
20. Бухор Юсупов. «Музейимиз юзимиз». Маърифат газетаси. 1999 йил, 27 январь.
21. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т.: “Ўқитувчи” 2004 й.
- 22.Усмонова К. Адабий таълимда илғор педагогик технологиялар 1-қисм. Т.: 2006 й.
23. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Т.: “Узинкомцентр” 2003 й.
27. Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида савол – топшириқлар устида ишлаш. Т.: 2004 й.
28. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. Т.: “Ўқитувчи” 1996 й.
29. Ў.Қ.Толипов., М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, Фан, 2006.

